

Оммавий ахборот воситалари фаолиятининг ҳуқуқий кафолатлари



Мундарижа

- ❑ Сўз эркинлигининг тушунчаси ва моҳияти.
- ❑ Оммавий ахборот воситаларини тушунчаси ва турлари.
- ❑ Оммавий ахборот воситаларини фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиниши.
- ❑ Цензурага йўл қўйилмаслиги
- ❑ Оммавий ахборот воситасининг таҳририяти.
- ❑ Оммавий ахборот воситаларини таъсис этиш ҳуқуқи.
- ❑ Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги веб-сайт тарзида оммавий ахборот тарқатувчи восита.
- ❑ Ахборот манбаини ошкор этмаслик.
- ❑ Раддия бериш ва жавоб қайтариш ҳуқуқи.






Ахборот жамияти


Ахборот жамияти - кўпчилик ишловчиларнинг ахборот, айниқса унинг олий шакли бўлмиш билимларни ишлаб чиқариш, сақлаш, қайта ишлаш ва амалга ошириш билан банд бўлган жамиятидир.

Ахборот жамиятнинг моддий ва технологик негизини компьютер техникаси ва компьютер тармоклари, ахборот технологиялари, телекоммуникация алоқалари асосидаги турли хил тизимлар ташкил этади.

1-чизма, ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ВА ДАВЛАТ



Ommaviy axborot vositalari



■ Gazetalar

■ Televidenie

■ Veb-saytlar

■ Jurnallar

■ Radio

■ Byulleten

■ Axborot agentligi


2016 йилнинг

1 январь ҳолатига кўра, Ўзбекистонда давлат рўйхатидан ўтган оммавий ахборот воситалари сони 1437 тани ташкил этди.



2018 йил 1 июль

ҳолатида мамлакатимизда 1500 дан ортиқ (қарийб 700 та газета, 309 та журнал, 65 та телевидение, 35 радио, 4 ахборот агентлиги, 15 та ахборотнома-бюллетень, қарийб 400 та веб-сайт) оммавий ахборот воситалари фаолият юритмоқда.




СЎЗ ЭРКИНЛИГИНИНГ ТУШУНЧАСИ ВА МОҲИАТИ

Конституциянинг 29-моддасига асосан ҳар ким фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқига эга. Ҳар ким ўзи истаган ахборотни излаш, олиш ва уни тарқатиш ҳуқуқига эга, амалдаги конституциявий тузумга қарши қаратилган ахборот ва қонун билан белгиланган бошқа чеклашлар бундан мустаснодир.

Фикр юритиш ва уни ифодалаш эркинлиги фақат давлат сирини ва бошқа сирларга тааллуқли бўлган тақдирдагина **қонун билан чекланиши мумкин.**

ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ЭРКИНЛИГИ

- ❑ Ўзбекистон Республикасида оммавий ахборот воситалари эркин бўлиб, улар Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, ОАВ қонунига ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ фаолият кўрсатади.
- ❑ Оммавий ахборот воситалари ахборотни излаш, олиш ва тарқатиш ҳуқуқидан фойдаланадилар ҳамда ўзлари эълон қилаётган ахборотнинг тўғрилиги ва ҳаққонийлиги учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.



Сўз эркинлиги

Ҳар ким оммавий
ахборот воситаларида
чиқиш, ўз фикри ва
эътиқодини ошкора
баён этиш ҳуқуқига
эгадир.



**(3-модда. Сўз эркинлиги ОАВ
тўғрисидаги қонун)**

Цензурага йўл қўйилмаслиги

Ўзбекистон Республикасида оммавий ахборот воситаларини цензура қилишга йўл қўйилмайди. Эълон қилинаётган хабарлар ёки материаллар олдиндан келишиб олинишини, шунингдек, уларнинг матни ўзгартирилишини ёки бутунлай нашрдан олиб қолинишини (эфирга берилмаслигини) талаб қилишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

**(4-модда. Цензурага йўл қўйилмаслиги
ОАВ тўғрисидаги қонун)**


Оммавий ахборот воситаларини тушунчаси ва турлари

Газеталар, журналлар, ахборотномалар, бюллетенлар, ахборот агентликлари, телевидение (кабелли, эфир-кабелли телевидение) ва радиоэшиттиришлар, ҳужжатли кино, электрон ахборот тизими, шунингдек, доимий номга эга бўлган, давлат тасарруфидаги, мустақил ва бошқа оммавий даврий нашрлар оммавий ахборот воситаларидир.

Оммавий ахборот воситалари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда иловалар нашр этиши мумкин.

Оммавий ахборот воситасининг таҳририяти

Оммавий ахборот воситасининг таҳририяти муассис томонидан тузилади ҳамда ОАВ қонуни, бошқа қонун ҳужжатлари, ўз устави (низоми) асосида иш олиб боради.




ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИНИ ТАЪСИС ЭТИШ ҲУҚУҚИ

- ❑ Ўзбекистон Республикасининг юридик ва жисмоний шахслари оммавий ахборот воситаларини таъсис этиш ҳуқуқига эгадирлар.
- ❑ Оммавий ахборот воситаси бир неча муассис томонидан ҳам таъсис этилиши мумкин.
- ❑ Қуйидагилар муассис бўлиши мумкин эмас:
- ❑ ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар;
- ❑ қасддан содир этган жинояти учун судланганлик ҳолати тугалланмаган ёхуд суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган шахслар;
- ❑ фаолияти қонун билан тақиқланган жамоат бирлашмалари.
- ❑ Устав фондида чет эл инвестицияларининг улуши ўттиз фоиздан ортиқ бўлган юридик шахсларнинг оммавий ахборот воситаларини ташкил этишига йўл қўйилмайди.


ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ

- ❑ Рўйхатга олиш тўғрисидаги аризада оммавий ахборот воситасининг:
- ❑ 1) муассиси (муассислари);
- ❑ 2) номи, қайси тилда (тилларда) эълон қилиниши, манзили;
- ❑ 3) мақсад ва вазифалари;
- ❑ 4) қандай доирадаги ўқувчига (томошабинга, тингловчига) мўлжалланганлиги;
- ❑ 5) даврийлиги, ҳажми, моддий-техника таъминоти ҳамда пул билан таъминланиш манбалари кўрсатилиши керак.

- 
- ❑ Кўрсатилган маълумотларда ўзгариш бўлса, оммавий ахборот воситаси белгиланган тартибда қайта рўйхатдан ўтказилиши шарт. Ўзгартишлар жиддий бўлмаган ҳолларда рўйхатга олувчи орган оммавий ахборот воситасини қайта рўйхатдан ўтказиш шарт эмаслиги тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин.
 - ❑ Рўйхатга олиш ва қайта рўйхатдан ўтказиш учун ҳақ қонун ҳужжатларида белгиланадиган тартиб ва миқдорларда ундирилади.

Ахборот оқимлари

- нутқ, тасвир, матн, маълумотларни олишдир.



- 18 ёшгача бўлган мамлакат аҳолисининг 35%ни ташкил этади
- 30 ёшгача бўлганлар мамлакат аҳолисининг 64,5%ни ташкил этади
- 60 ёшдан ошганлар 2 млн.873 минг киши
- 80 ёшдан ошганлар 225 минг киши
- 90 ёшдан ошганлар 44 минг киши
- 100 ёшдан ошганлар 8700 киши
- Ўртача умр – 67 ёшдан 73.5 ёшга, жумладан, аёллар ўртача умри – 75.8 ёшга ўсди.

- Ўзбекистон аҳолисининг ўртача ёши – 27 ёш.
- РФ аҳолисининг ўртача ёши - 39 ёш.
- Италия аҳолисининг ўртача ёши - 45 ёш.
- 200 дан ортиқ давлат орасида аҳоли сони жиҳатидан Ўзбекистон 38 ўринда туради.
- Аҳоли сонига нисбатан Ўзбекистон 100 дан ошганлар сони бўйича дунёда 6 ўринда (Хитой, Япония, Корея, Англия, Италиядан кейин) туради.

ИНТЕРНЕТ ТУШУНЧАСИ ВА ТАРИХИ

- ИНТЕРНЕТ (ингл. Internet, лат. inter – орасида ва ингл. net – тармоқ), минглаб тармоқларни, шу жумладан қуролли кучлар, ҳукумат ташкилотлари, таълим муассасалари, хайрия ташкилотлари, саноат корхоналари, барча турдаги корпорациялар, шунингдек, жисмоний шахсларга тармоққа кириш имкониятини ҳавола этувчи тижорат корхоналарининг (хизмат кўрсатиш провайдерларининг) тармоқларини баробар улаб турадиган Бутун жаҳон компьютер тармоғи.



- ❑ 1994 йили Windows ва Macintosh операцион тизимлар учун мўлжалланган Mosaic браузер, кўп ўтмай Netscape Navigator ва Microsoft Internet Explorer браузерларининг нақли пайдо бўлиши – WWW шухратининг, демакки Интернетнинг доврўғи гўё портлаш таъсиридек ошиб, дастлаб АҚШда, сўнгра бутун дунёда оммалашиб кетишига сабаб бўлди.
- ❑ 1995 йили NSF Интернет учун масъулиятни хусусий сектор зиммасига юклади ва айни шу фурсатдан эътиборан Интернет бугунги кунда сиз билан биз таниш бўлган Интернет тармоғи сифатида мавжуд бўлиб келмоқда.




Интернет хизматлари (сервислари)

- ❑ электрон почта (e-mail);
- ❑ World Wide Web (WWW) даги матнли ва мультимедияга оид шаклга эга ахборотни браузер (Web-browser) ёрдамида қидириб топиш ва кўриб чиқиш;
- ❑ электрон тижорат (e-commerce);
- ❑ online режимида (чат, chats) сўзлашувлар;
- ❑ маълумотни эълон қилиб, унга жавобан берилган маълумотни кўриб чиқиш мумкин бўлган конференциялар (discusion groups, Usenet);
- ❑ муайян ролда иштирок этиладиган ўйинлар.

Доменлар тури

- ☐ **.com** – тижорат домени
- ☐ **.edu** – таълимга оид домен
- ☐ **.gov** – ҳукумат домени
- ☐ **.org** – нотижорат ташкилотлар домени
- ☐ **.net** – тармоқлар ва хизмат кўрсатувчи провайдерлар домени
- ☐ **.mil** – қуrolли кучлар домени.



Интернет информациион муҳитини ташкил этувчи электрон хужжатларнинг ҳар бири компьютер-ларнинг IP-адресларидан бошқа ўзларининг такрорланмас, уникал адресларига эга. Бу адрес URL (Uniform Resource Locator) - адрес деб аталади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг расмий ахборотлари, Олий мажлис қарорлари ҳақида маълумот берувчи электрон саҳифа адреси www.gov.uz.





A person is seen from the back, operating a professional video camera on a tripod. The camera is equipped with various accessories, including a microphone and a viewfinder. The background is a blurred green field with several people in the distance, suggesting a sports event. The text "Эътиборингиз учун раҳмат!" is overlaid on the right side of the image.

**Эътиборингиз
учун раҳмат!**